

2018

REFLECTION OF HUMAN BENEFIT IN THE LEGAL THOUGHTS OF QAFFAL SHASHI

Nigora Xakimova

International Islamic Academy of Uzbekistan, nigora_24@yahoo.com

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/iiu>



Part of the [Arts and Humanities Commons](#)

Recommended Citation

Xakimova, Nigora (2018) "REFLECTION OF HUMAN BENEFIT IN THE LEGAL THOUGHTS OF QAFFAL SHASHI," *The Light of Islam*: Vol. 2018 : Iss. 1 , Article 9.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiu/vol2018/iss1/9>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in The Light of Islam by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact brownman91@mail.ru.

**ҚАФФОЛ ШОШИЙНИНГ
ҲУҚУҚИЙ ҚАРАШЛАРИДА ИНСОН
МАНФААТЛАРИНИНГ АКС ЭТИШИ**

**ОТРАЖЕНИЕ ВОПРОСА ИНТЕРЕСОВ
ЧЕЛОВЕКА В ПРАВОВЫХ ВЗГЛЯДАХ
КАФФАЛЯ ШАШИ**

**REFLECTION OF HUMAN BENEFIT IN THE
LEGAL THOUGHTS OF QAFFAL SHASHI**

Калит сўзлар: ислом ҳуқуқи асослари, шариат мақсадлари, инсон манфаатлари.

Ключевые слова: основы исламского права, цели шариата, интересы человека.

Key words: maqasid al-sharia, fundamentals of Islamic law, human benefit.

Юртимиздан етишиб чиққан уламолар ўз асарларида диний кўрсатмаларнинг фақат ҳарфий маъносига эмас, балки мазмун-моҳиятига урғу беришга алоҳида аҳамият қаратганлар. Жумладан, ислом ҳуқуқининг асосий мақсадларига, яъни *мақосид аш-шариага*¹³ эътибор қаратиш алломаларнинг IX–X асрларга оид асарларида ўз аксини топа бошлаган. Ҳаким Термизийнинг (ваф. 932 й.) “*Китаб ас-солат ва мақасидиҳа*” (*Намоз ва унинг мақсадлари*), “*Китаб ал-ҳаж ва асрариҳи*” (*Ҳаж ва унинг сир-асрорлари*) ва Қаффол Шошийнинг (ваф. 975 й.) “*Маҳасин аш-шариа*” (*Шариат гўзалликлари*) китоблари бу борада ёзилган илк асарлар саналади [1:55].

Ислом ҳуқуқи назариётчиларининг фикрича, шариатнинг асосий мақсади инсон манфаатларини ҳимоя қилиш, яъни “*масолиҳ*” ибораси билан бир тушунчадир. Мақосид назариясининг асосчиларидан Абдулмалик Жувайний (ваф. 478/1085 й.) ўзининг “*Ғияс ал-умам фи илтияс ал-зулам*” (*Зулмат исканжасидаги умматларни қутқариш*) китобида мақосид ва оммавий манфаат (*ал-масолиҳ ал-амма*) ибораларини бир маънода қўллаган. Абу Ҳомид Ғаззолий (ваф. 505/1111 й.) мақосидни таснифлашда изланишлар олиб боради ва “*Ал-мустасфа мин илм ал-усул*” (*Усул илмида танланган китоб*) асарида унинг барча кўринишларини чекланмаган манфаатлар (*ал-масолиҳ ал-мурсала*) тушунчаси остида бирлаштиради. Фахриддин Розий (ваф. 606/1209 й.) “*ал-Маҳсул фи илми усул ал-дин*” (*Усул*

¹³ Шариатнинг асосий мақсади инсоннинг дини, жони, ақли, насли ва молини ҳимоя қилишдир.

Мақолада шариятнинг асосий мақсадларидан бири инсон манфаатларини ҳимоя қилиш эканлиги очиб берилган. Унда X аср ислом уламоларининг асарларида, жумладан Қафғол Шошийнинг “Маҳасин аш-шариа” асарида инсон манфаатлари қонунчиликнинг бош мезони ҳисоблангани ёритилган.

Автор данной статьи утверждает, что одной из главных целей шариата является защита интересов человека. В произведениях улемов X века, в том числе в сочинении Каффала Шаши «Махасин аш-шариа», интересы человека являются основным критерием законодательства.

The author of this article argues that one of the main goals of Sharia is to protect the interests of the person. In the works of ulamas of the 10th century, including in the work of Kaffal Shashi “Makhasin al-Shari’a”, human interests are the main criterion of legislation.

ад-дин илмининг мазмун-моҳияти) ва Омидий (ваф. 631/1234 й.) “*ал-Иҳкам фи усул ал-аҳкам*” (*Хукмлар усулида аниқлик*) асарларида Ғаззолийнинг иборасини қўллайди. Нажмиддин Туфий (ваф. 716/1316 й.) “*ал-Таъийн фи шарҳи ал-арбаъин*” (*Арбаъин шарҳида намуна*) китобида “*маслаҳа*” ни қонун яратувчисининг мақсадини амалга оширувчи сабаб деб таърифлаган. Шиҳобиддин Қарофий (ваф. 1285 й.) ўзининг “*аз-Заҳира*” (*Ҳазина*) асарида *маслаҳа* ва мақосидни усул қондаси билан қуйидагича бирлаштиради: “Мақсад (*мақосид*) бирор бир яхшиликни (*масолиҳ*) амалга оширмас экан ёки бирор бир зарарни (*мафсада*) кетказмас экан ҳақиқий деб ҳисобланмайди” [2:4]. Шунинг учун ислом ҳуқуқининг мақсади, нияти, муроди, асосий тамойили инсон манфаатидир ва айни шуни мақосид назариясининг ақлий асоси деб ҳисоблаш мумкин.

Илоҳий қонун инсон манфаатини (*маслаҳа*) кўзлаши лозим, деган қараш X аср шофеъий уламоларининг ҳуқуқ назарияси борасидаги фикрларининг марказида турган. Мазкур қараш қонуннинг ақлга мувофиқ эканлигини, шунингдек, қиёсний амалиётга татбиқ этишни тушунтириб беришга хизмат қилган. Шунга қарамасдан, *маслаҳа* концепцияси ўзининг ибтидосида фақатгина назарий қарашлар тизими сифатида сақланиб қолиб, ҳуқуқий жиҳатдан асослашнинг амалий услуби сифатида қўлланилмаган. Мантиққа зид равишда, *маслаҳани*н шифеъий уламолари орасидаги қиёс услубининг асоси – методологияси сифатидаги тизимли татбиқи мўътазилларнинг инқирози ва ашъария йўналишининг муваффақиятидан сўнг бошланди [3:19].

Имом Шофеъийнинг “Рисола” асарида сўнг, мазкур мазҳаб уламоларининг *усул ал-фиқҳ* – ислом

ҳуқуқи асослари мавзусида ёзган илк асарларининг афсуски, баъзиларигина бизгача етиб келган. Мазкур кам сонли манбалар орасида Қафғол Шошийнинг “Маҳасин аш-шариа” китоби ҳам мавжуд бўлиб, унда ўша давр шофеъий уламоларининг ҳуқуқ назарияси ҳақидаги қарашлари ўз аксини топган. Қафғол Шоший ўз асарини анъанавий фикрий китоблардаги каби бўлим ва бобларга бўлади (поклик, таҳорат, намоз ва ҳоказо). Муаллиф ҳар бир қондан қисқача таърифлаб, унинг замиридаги манфаатлар (*маслаҳа*) ва ҳикматларни очиб беришга ҳаркат қилади. Қафғол Шошийнинг фикрича, ҳуқуқий қондалар замиридаги сабабнинг (*илла*) ўзи асосий сабаб¹⁴ туфайлигина мавжуддир, у ҳам бўлса, инсон манфаатидир (*маслаҳа*) [4:25]. Мазкур қарашнинг асосий изоҳи шундаки, илоҳий қонунларнинг инсон манфаати учун хизмат қилиши улар замирида яширинган ҳикматнинг бир кўринишидир. Қонуннинг мазмуни сабаблар туфайли, яъни инсон манфаатини кўзлаган ҳолда юзага келган деган қараш X асрда мусулмон дунёсида мавжуд бўлган қуйидаги ҳолатларни кўриб чиқишни тақозо этади:

1. Илоҳий қонунлар инсон манфаатини кўзлайди деган қараш ақидавий масалаларнинг муҳокамасида муҳим аҳамият касб этган, яъни бундай қараш илоҳий қонунга итоат қилиш шарт эканлигини осон тушунтириб берган.

2. Илоҳий қонуннинг манфаатни кўзловчи табиати ҳақидаги қараш ўша даврда ислом динининг ғайридин олимлар тамонидан танқид қилинишига асосли “жавоб” вазифасини бажарган. Қафғол Шошийнинг қуйидаги сўзлари фикримизни қувватлайди: “...Хукмларнинг ҳикмати ва сабаби ҳақида сўрайдиган инсонларнинг саволларига жавоб тариқасида ўз фикрларимни баён этдим. Бундай саволлар фақат икки тоифа инсонлар тамонидан берилиши мумкин. *Биринчи тоифа* дунёнинг яратилиши унинг ёлғиз Яратувчисига тегишли эканлигига ва пайғамбарликнинг ҳақлигига ишонадилар, улар ҳукмнинг ҳикмати Ҳаким ва Қодир Аллоҳга тегишлидир, У эса ўз бандалари учун фақат яхшиликка кўрсатма беради деб ишонадилар. *Иккинчи тоифа инсонлар* пайғамбарликнинг ёлғон эканлиги ва дунё яралишининг ягона Яратувчига алоқаси йўқ эканлигини исботлаш учун ёки дунёнинг ягона Яратувчисини тан ола туриб, пайғамбарликни инкор қилиш ниятида ушбу саволларни берадилар. Бу тоифа инсонлар ҳукмнинг ҳақиқий эмаслигини исботлаш орқали, ҳукмни нозил қилган Зотнинг йўқлигига ишонч ҳосил қилишдан иборат мантиққа суянадилар...” [4:17-20]. “Маҳасин аш-шариа” асарининг ёзилишидан кўзда тутилган асосий мақсад

¹⁴ Маълул бил иълаа ал-аъмма.

ҳам илоҳий қонуннинг ақлга мувофиқ эканлиги ҳақидаги қарашни ҳимоя қилиш орқали юқоридаги танқидларга қарши туриш ҳамда илоҳий қонун тўлалигича “мукамал бошқарув”¹⁵ тамойили асосида эканлигини кўрсатиб бериш эди.

3. Илоҳий қонунлар замирида инсон манфаатларининг ётиши қиёс методидан унумли фойдаланишда умумий ўлчов – меъёр вазифасини ўтаган десак муболаға бўлмайди. *Маслаҳа* тамойили Х аср ислом ҳуқуқшунослари томонидан қиёс ҳақиқий эканлигини аниқлашда восита вазифасини бажарган. Лекин *маслаҳа* тамойили у даврда фақат назарий аҳамият касб этган бўлиб, амалда ундан фойдаланилгани ҳақида бирор маълумотга дуч келмадик. Қафғол Шоший ҳам “Маҳосин аш-шариа” асарини янги қоидаларни яратиш мақсадида эмас, балки, ислом дини ва унинг кўрсатмалари ҳақидаги танқидларга муносиб раддия бериш мақсадида ёзган. У ўз асарида “Мусулмон кишиларнинг ақллари англаши учун мазкур ҳукмларни ўша маънолар (*манфаатлар*) билан боғлаб тушунтириш жоиз”¹⁶ дея, айтиб ўтади [4:261]. Бу даврда *маслаҳа* кўпроқ ақидавий масалаларда назарий шаклда қўлланилган бўлса ҳам, лекин қиёс жараёнидаги умумий асос сифатида ҳали тўла шаклланиб улгурмаган эди. Ашъария йўналишида ақидавий баҳсларда ақл воситасидан фойдаланиш маълум маънода чекланганидан сўнг, *маслаҳа* тамойили ақидавий йўналишдан ислом ҳуқуқи – фикҳ йўналишига ўтади. Бу эса, ислом ҳуқуқи асосларининг ривожига Х аср шофеъий уламоларининг, хусусан, Қафғол Шошийнинг улкан хизматлари борлигини кўрсатади.

Хулоса қилиб айтганда, Қуръони карим ва ҳадисларни тўғридан-тўғри олиб, сўзма-сўз ҳаётга татбиқ этишга уринишлар жамиятларда кўплаб муаммоларга сабаб бўлиши мумкин. Диний кўрсатмаларнинг мазмун-моҳиятини тушуниб етиш чуқур билим ва масъулият талаб этади. Мана шундай чуқур билим ва масъулият асосида Қафғол Шоший ислом динининг буйруқ ва қайтариқларининг мазмун-моҳиятини тушунган ҳолда амалиётга татбиқ этиш зарур эканлигини эътироф этади. Ислом ҳуқуқида қиёснинг қўлланилиши ва унда *маслаҳа*, яъни инсон манфаатларининг умумий асос қилиб олинисида эса, Қафғол Шошийнинг “Маҳосин аш-шариа” асаридаги ҳуқуқ назариясига оид қарашлари мустаҳкам пойдевор вазифасини ўтаган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Муаллифлар жамоаси. Илмдан бошқа нажот йўқ. – Тошкент: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2015. Б.155.
2. Jasser Auda. Maqasid Al-Sharia'h A Bigenner's Guide. – London: Cromwell Press, 2008. P. 70.
3. Ahmed El Shamsy. The Wisdom of God's Law: Two theories //Islamic Law in Theories. – Leiden-Boston, 2014. P. 361.
4. Қафғол Шоший. Маҳосин аш-шариа фи фуруъи аш-шафиъия: китабун фи мақосид аш-шариа. – Байрут: «Дар ал-кутуб ал-илмийя», 2007. Б. 616.

Nigora XAKIMOVA,

Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Ислом фанлари кафедраси таянч докторанти



¹⁵ Ал-сияса ал-фодида.

¹⁶ Иннама ҳия маъанин яжузу аън тааллақа тилка ал-аҳкам би-ҳа ҳатта тақруба мин уъқул ал-мутаъаббидин.